УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Фотима Ураловна Жуманова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Онахон Маннаповна Жабборова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Учинчи Ренессанс даврида бошланғич таълимни ривожлантириш вазифалари тўғрисида фикр юритилган ва методик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, педагогика, ренессанс, таълим, мактаб, бошланғич, ўқитувчи, талаб, эҳтиёж, билим, кўникма.

PRIMARY EDUCATION IN THE THIRD RENAISSANCE PERIOD

Fotima Uralovna Zhumanova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Onakhon Mannapovna Zhabborova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article discusses the tasks of developing primary education during the Third Renaissance and provides methodological recommendations.

Keywords: Uzbekistan, pedagogy, renaissance, education, school, primary, teacher, demand, need, knowledge, skill.

КИРИШ

Ўзбекистонда ўзига хос мақсад муддаоларни қамраб олган миллий ғоя эълон қилинди: "Таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври-Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик“ [1]. Бунинг маъноси шуки, миллий давлатчилик, бозор иқтисодиёти ва демократик жамиятни юксак даражада ривожлантириш таълим ислохотлари орқали амалга оширилади. Ўз навбатида, таълим уч муҳим функцияни бажариши керак:

1. жамият маърифатини юксалтириш;
2. юксак малакали кадрлар тайёрлаш;
3. илм-фанни замон талаблари асосида ривожлантириш.

Негизи Ўзбекистон бўлган Марказий Осиё минтақасида кейинги минг йил давомида икки Ренесанс даври келганлиги жаҳон илм-фанида эътироф этилди [5]:

Биринчи Ренессанс (IX-X асрлар), машҳур мутафаккирлари Имом Бухорий, Имом Матрудий, Муҳаммад Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий ва ҳ.к.;

Иккинчи Ренессанс (XIV-XV асрлар), машҳур мутафаккирлари Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва ҳ.к.

Ҳар иккала Ренессанс ҳам уч факторга таянган:

1. миллий давлатчилик;
2. фаровон жамият;
3. илм-фан ривожи.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон янги мақсад сифатида танлаган Учинчи Ренесанс ўзбек жадид маърифатпарварлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори кабилар томонидан XX асрнинг I чорагида бошланган эди [1]. Бироқ тоталитар тузумнинг сиёсий қатағони туфайли бу жараён тўхтаб қолганди. Яъни Ўзбекистон шароитида уни барпо этишга киришилди.

Учинчи Ренессанс барпо этиш жараёнида узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бошланғич таълим ҳам муҳим вазифани бажаради. Шу сабабли яқин йиллар ичида уни тубдан ислоҳ қилишга доир қуйидаги вазифалар белгиланди [1]:

- “умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури”ни ишлаб чиқиш ва унда бошланғич таълимнинг ҳам вазифаларини аниқ ва равшан белгилаш;
- бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш;
- бошланғич синф битирувчиларини фанлар бўйича саралаш ва йўналтириш тартибини амалиётга киритиш;
- бошланғич таълимни юксак малакали педагог кадрлар билан таъминлаш;
- бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларига ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш;

- бошланғич синф ўқитувчилари меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларни имтиёзли асосда санаторий ва курортларда даволаниши ҳамда дам олишини ташкил этиш;
- намунали бошланғич синф ўқитувчиларининг мажбурий малака ошириш талабларини бекор қилиш, уларнинг фаолиятини бевосита ўқувчилари олган билим даражаси билан боғлаш.

Эътибор берилса, Учинчи Ренессанс даврида бошланғич таълимнинг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Асосий масала – бу вазифаларнинг ижросини таъминлашда бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги, маҳорати ва ижтимоий фаоллигини оширишдадир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги олий таълим муассасаларида олий маълумотли бошланғич синф ўқитувчилари тайёрланмоқда [2]:

- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;
- Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти;
- АДУнинг Педагогика институти;
- БухДУнинг Педагогика институти;
- ТерДУнинг Педагогика институти.

Мазкур олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ҳалқаро таълим стандартларига асосан тайёрланмоқда. Уларнинг келгусидаги асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) бошланғич синф ўқитувчиларига умумтаълимнинг таянч босқичи бериш;
б) 6-11 ёшли ўқувчиларининг иқтидори ва истеъдодини ривожлантириш;
в) мудом ўз устида ишлаб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Учинчи Ренессеанс даврида бошланғич таълимни ривожлантиришда жахон мамлакатлари, жумладан, Финландиянинг бошланғич таълим тажрибасини ўрганиш қайд этилди. Кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, Финландиянинг бошланғич таълим тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

А) давлат бошланғич таълим тизими;
Б) хусусий бошланғич таълим тизими;
В) давлат-хусусий шериклик бошланғич таълим тизими.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Мазкур таълим тизимларида ягона Миллий ўқув дастури амал қилади. Унга биноан, ўқув режалари, дастурлари ва асосий билимларни бериш манбаи

ягона ҳисобланади. Айни пайтда, бу тизимлар қуйидаги жиҳатлари билан ўзига хос хусусиятларга эга:

- бошланғич таълимга ўқувчилар иқтидори, қизиқиши ва оилавий шароитига кўра танланади;
- ўқитувчиларга ижодий эркинлик ва услубий индивидуаллик берилади;
- бошланғич таълимни молиялаштиришда кўпроқ грантлар ва беғараз хомийлик манбаларига таянилади;
- бошланғич таълимдаёқ ўқувчилар қизиқишига кўра навбатдаги таълимга танланади ва йўналтирилади;
- бошланғич таълим тизимлари мамлакатнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади.

Финландиянинг мазкур бошланғич таълим тизими ўтган асрнинг 60-йили давомида тажриба-синовдан ўтказилган ва унинг натижалари Европа университетлари Ассоциацияси таълим стандартларига мувофиқ деб топилган. Бундай жаҳон таълим тизимига оид тажрибалардан бизнинг мамлакатимизда қуйидагича фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. бошланғич таълим тизимида давлат, хусусий ва давлат-хусусий шерикчилик таълим тизимларини синов тариқасида жорий этиш;
2. бошланғич таълим тизимидаги ўқув жараёнини эркинлаштириш ва унда фанларнинг танлови асосида ўқитиш тажрибасини синаш;
3. бошланғич таълим ўқитувчиларининг меҳнатини бозор иқтисодиёти ва фаолият самарадорлигига қараб рағбатлантириш;
4. бошланғич таълим ўқувчиларини иқтидори, қизиқиши ва руҳий-маънавий даражаларига мувофиқ уларни келгуси таълимга йўналтириш;
5. бошланғич таълим самарадорлигини ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасига қараб баҳолаш.

Бундай ёндашув Финландия каби жахон мамлакатлари бошланғич таълим тажрибаларидан фойдаланишда ўзига хос йўл тутишни тақозо этади. Шу маънода Учинчи Ренессанс даврида мамлакатимиз бошланғич таълим тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- мавжуд миллий бошланғич таълим тажрибасини ва тизимини технологик жиҳатдан такомиллаштириш:
- бошланғич таълимнинг мазмуни ва вазифаларини жаҳон бошланғич таълим тажрибалари асосида мақбуллаштириш;
- бошланғич таълимнинг самарасини ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакасига кўра баҳолаш;

- бошланғич таълим ўқитуувчилари ва мураббийларига методик эркинлик бериш, уларнинг ижодий ёндашувларини инновация сифатида қабул қилиш;
- бошланғич таълимнинг самарасига кўра келгуси таянч ва асосий ўрта таълимнинг мазмунини белгилаш.

ХУЛОСА

Умуман Учинчи Ренессансни Ўзбекистонда барпо этиш жараёнида бошланғич таълим саводхонликнинг пойдевори вазифасини бажариши белгиланди. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчилари таълимнинг локомотивларидан бирига айланиши керак. Бунинг учун тажриба ва замонавий асослар етарли эканлигини эслатиб ўтиш жоиз [3;4].

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган Мурожаат нутқи. // www. ziyonet.uz.2020 йил 1 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4623-сонли “Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // www. ziyonet.uz. 2020 йил 28 февраль.
3. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10-Том.-Тошкент, “Фан”. 2001.
4. Муҳамедов Г., Ходжамқулов У. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. – Чирчиқ.: “Университет”. 2020
5. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
6. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
7. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
8. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
9. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.

10. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
11. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
12. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
13. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Хужамқулов Умид Негматович, Ботирова Шахло исомиддиновна, Шерматова Умида Сафаевна. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.